№80796

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# ТУРКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 26 июнь. Чоршанба. № 42 (14340)

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ВАШИНГТОН УЧРАШУВЛАРИ

ВАШИНГТОН, 25 ИЮНЬ. (ЎзА МАХСУС МУХБИРИ АМИРҚУЛ КАРИМ ХАБАР ҚИЛАДИ). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америкага амалий ташрифнинг иккинчи кунини АҚШ хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорациясига (ОПИК) қадам ранжида қилиш билан бошлади. Нью-Йорк Авенюдаги бу корпорация қароргоҳида ОПИК президенти Рут Харкин хоним билан мамлакатимиз раҳбари ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Шу ерда Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари йирик компаниялари раҳбарлари, ишбилармонлари билан учрашди. Ғоят қизиқарли ўтган бу учрашувда Ислом Каримов хорижлик, жумладан, америкалик ишбилармонлар учун мамлакатимизда бизнесни йўлга қўйиш борасидаги афзалликлар, ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари ҳақида сўзлаб берди.

Юртбошимиз сўнгра тадбиркорларни, бу ерда ҳозир бўлган журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

ОПИК қароргоҳида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорацияси ва «Энрон» компанияси ҳамда «Ўзбекнефтгаз» билан ОПИК ва «Тексако» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Банк оф Америка ўртасида англашмалар меморандуми имзоланди. Ўзбекистон банкирлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида ҳам Америка компаниялари, савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида протокол ва меморандумларга имзо чекилди.

Президент Ислом Каримов шу куни Марказий разведка бошқармаси директори Ж. Дойч билан учрашди. Шунингдек, АҚШ давлат департаментида давлат котиби вазифасини бажарувчиси Строуб Телбот билан мулоқотда бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида эса «Марлот» меҳмонхонаси қароргоҳида Ислом Каримов АҚШ энергетика вазири Г. О'Лири хонимни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари шу ерда АҚШ Молия вазири Р. Рубин билан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида ўзаро фикрлашди.

Оқшом Америка-Ўзбекистон савдо палатаси номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

Президентимизнинг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## ЁШЛАР БОР ЖОЙДА СУРЪАТ БЎЛАДИ, ЭЗГУ ИШЛАРГА ЖУРЪАТ БЎЛАДИ

## «КАМОЛОТ»: ИЛК ҚАДАМЛАР

Республика ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқарувининг умумий йиғилиши бўлди. Унда бошқарув аъзоларидан ташқари вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамғарма муассислари бўлган ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Йиғилишда мамлакат ёшларини миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ва маънавиятини юксалтиришга ёрдам бериш, уларни иш билан банд қилиш, соғлом авлодни камол топтиришга йўналтирилган жамғарма фаолиятига тегишли бир қатор муҳим муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқлари муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Бу эса, давлатимизнинг эртанги куни ана шу кишиларнинг қанчалик билимли эканлиги, қувваи ҳофизасининг кенглиги ва ҳозирги жамиятни иқтисодий қайта қуриш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни ечишга қанчалик тайёр эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Йиғилишда ушбу масалалар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан жамғарма бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимовнинг ахбороти тингланди. Раис жамғарманинг ташкилий даврида амалга оширилган ишларни муфассал таҳлил қилиб, унинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган фаолиятининг муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтди. Айни вақтда асосий эътибор спорт иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш, қишлоқ ёшларини иш билан банд қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, уларнинг кўнгилли дам олишларини уюштириш, ўсмирларни ҳарбий хизматга, шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сингари бир қанча масалаларга қаратилди. Ёшларни маънавий юксак ахлоқли қилиб тарбиялаш мавзуси ҳам эътибордан четда қолмади. Йиғилишда, бундан ташқари, республика «Камолот» жамғармаси ўзининг бутун фаолиятини бугунги кунда экология, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар туризми жабҳаларида турли дастурлар асосида фаолият кўрсатиб келаётган жамоатчилик ташкилотлари билан бевосита алоқада эканлиги хусусида ҳам сўз борди.

Йиғилишда барча муассис ташкилотлар жамғарма фаолиятини ривожлантиришга, уни қўллаб-қувватлашга ҳозирча етарли эътибор бермаётгани таъкидланди.

«Камолот» жамғармасида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов сўзга чиқдилар.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҒОЛИБЛАР!

*Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида 1995-96 йилларда газета-журналларда эълон қилинган ва радио-телевидениеда эшиттирилган «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» танловига келган ишлар малакали жюри аъзолари иштирокида кўриб чиқилди. Танловда ғолибликка қуйидаги ижодкорлар Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофоти лауреатлигига муносиб топилди:*

*1. НОСИР Ҳайдар ўғли — «Ўзбекистон овози» газетасининг ахборот ва спорт бўлими мудири.*

*2. ҚОСИМОВ Анвар — «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг халқаро шарҳловчиси.*

*3. ИКРОМОВ Тожибой — «Овози тожик» газетасининг бўлим мудири.*

*4. ШУЛЕПИНА Наталья Владимировна — «Правда Востока» газетасининг шарҳловчиси.*

*5. ЖАМИЛОВА Гулчеҳра — «Саодат» журналининг бўлим муҳаррири.*

*6. ХУДОЙБЕРГЕНОВ Тангриберди — «Еркен Қарақалпақстан» газетасининг махсус мухбири.*

*7. ТЕМУР Убайдулло — «Тошкент оқшоми» газетасининг бўлим мудири.*

*8. НИЁЗОВ Муқимжон — «Андижоннома» газетасининг бош муҳаррири.*

*9. ИБРОҲИМОВ Истам — «Бухоро ҳақиқати» газетасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт бўлими мудири.*

*10. БОЛТАЕВА Бахшанда — «Дардкаш» (Бухоро вилояти) газетасининг муҳаррири.*

*11. АБДУВАЛИЕВ Анвар — Ўзбекистон радиоси ахборот бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари.*

*12. МАРДИЕВ Саидазим — Ўзбекистон радиоси иқтисодиёт ва қишлоқ ҳаёти бош муҳарририятининг бош муҳаррири.*

*13. ҲАМИДОВ Шавкат — Ўзбекистон радиоси «Машъал» бош муҳарририятининг шарҳловчиси.*

*14. КАРИМБЕКОВ Қобилбек — Ўзбекистон телевидениесининг шарҳловчиси.*

*15. НОМОЗОВ Ортиқали — «Поп тонги» (Наманган вилояти) газетаси муҳаррирининг ўринбосари.*

## МИЛЛИЙ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республика аҳли Ўзбекистон давлат мустақиллигининг беш йиллигини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги улкан ютуқлар билан кутиб олмоқда. Ўзбекистонда нисбатан қисқа фурсатда юз берган ўзгаришларни бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда. Мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси тобора яққол кўзга ташланаётир. Республикамизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларида Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик қурилмоқда.

25 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида ана шу ҳақда гап борди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда пойтахтимиз Тошкентда ўтказиладиган истиқлол байрами асосий тантаналарига тайёргарликнинг бориши, қутлуғ сана шарафига фойдаланишга топшириладиган иншоотларда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан мутасадди раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Юнусов, С. Саидқосимов, М. Усмонов, К. Раҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь шу йилнинг 2-3 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.***

## Ҳудудий семинар

**БУГУН** Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда жамғарма бўлимлари фаолиятини белгилашга бағишланган ҳудудий семинар бўлиб ўтади.

Унда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, Тошкент шаҳри бўлимлари вакиллари, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи олимлар, фан ва маданият арбоблари, ҳуқуқшунослар иштирок этади.

Семинарда жамғарма бўлим ва бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ёшларнинг энг долзарб вазифаларини ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тадбиркорлик фаолияти масалаларига эътибор қаратилади.

## НИЯТИНГИЗГА ЕТИНГ, БИЗ ҲАМ КЎМАКДОШМИЗ

Мактабни тугатиб, эндиликда олий ўқув юртларига ўқишга кириш истагида юрган Элликқалъа туманидаги йигит ва қизларнинг тўғриси, омади чопди. Улар кириш имтиҳонларига пухта тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлдилар. «Камолот» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан йигит-қизларни синовларга тайёрлаш бўйича бепул курслар очилди.

Бундай хайрли ишга энг тажрибали ўқитувчилар жалб этилди. Курс ишларини ташкил этиш, яъни ўқитиш, овқатлантириш, ётоқхона билан таъминлаш ҳаражатларининг барини «Камолот» ўз зиммасига олди.

— Бугун ушбу курсда ўқиётган 60 нафар йигит-қизларнинг орзулари эртага рўёбга чиқиб, талабалик бахтига эришсалар, бу биз учун ҳам катта бахтдир, — дейди «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси Шоназар Кенжаев. — Чунки юксак малакали мутахассис бўлиб етишган ёшлар охир оқибатда мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладилар. Шу боис ҳам ўқишни давом эттириш истагида бўлган барча-барчага «ниятингизга етинг, биз ҳам кўмакдошмиз» деб айтмоқчимиз.

**(Ўз мухбиримиз)**





**Андижон вилояти Бўз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирди.**

**Ш. ОЛИМОВ суратлари (ЎзА).**

*26-июнь халқаро гиёҳвандлик моддаларга қарши кураш куни*

## АСР ВАБОСИ

*Йўқ, бу аллақандай тиббий хасталик эмас. У инсоният келажагига жуда улкан хавф солиб турган руҳий, маънавий касалликдир. Азиз муштарий, гап гиёҳвандлик ҳақида бораётганлигини тушунган чиқар. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, агар бу маънавий касаллик бўлмаганида, инсон кўра била туриб ўз авлодини бир умр мажруҳликка маҳкум этмаган бўларди. Агар дунё бўйича гиёҳвандлардан бир йилда туғиладиган мажруҳ чақалоқлар сони рўйхатга олинадиган бўлса, у даҳшатли рақамларни ташкил этади. Шунинг учун ҳам гиёҳвандликка ва гиёҳфурушликка қарши жаҳоннинг барча мамлакатларида кенг кураш олиб борилмоқда. Жумладан Ўзбекистон ҳам бундай курашдан четда тургани йўқ. Яқинда мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат Автомобиль назорати бошқармаси қидирув-суриштирув бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Алихўжа ТЎРСУНХЎЖАЕВ билан учрашиб, республика миқёсида ўтказилаётган гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг натижалари хусусида суҳбатлашди.*

— Алихўжа ака, гиёҳвандлик ва гиёҳфурушликка қарши курашда Давлат Автомобиль назорати ходимларининг ҳам катта меҳнатлари бор эканлигини биламиз.

— Шу йилнинг 10 майидан бошлаб барча ходимларимиз «Қора дори — 96» тадбирига сафарбар этилган. Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, ДАН ходимлари нафақат тадбир вақтида, балки, ҳар доим ҳам гиёҳвандлик ва гиёҳфурушликка қарши кураш бир дақиқа бўлсин сусайтирмайдилар. Барча халқлар томонидан «Аср вабоси» деб эътироф этилаётган бу хавфли иллатга қарши кураш ишимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолган десам муболаға бўлмайди. Қани энди нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки барча кишилар бу оғуни йўқотишга тенг киришсалар. Ана шунда оғуфурушларнинг илдизига ҳал қилувчи болта урган бўлардик.

Нега бундай дедим. Чунки ҳар бир онгли киши бу масалага виждонан ёндашиб, ўша гиёҳвандлик иллатига чалинган кишининг ўрнига ўз фарзанди ёки қариндош уруғини қўйиб кўрса, лоқайдлик сиртмоғидан чиқиб кетган бўларди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир ўша оғу ҳам қаердадир экилади, парвариш қилинади, ҳосили йиғиб олинади. Наҳотки, ана шу жараёндан қўни-қўшни бехабар қолса? Албатта хабардор бўлади. Кўради. Эшитади. Гувоҳ бўлади. Лекин бировга чурқ этиб оғиз очмайди. Ўзини тинчини ўйлайди. «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш кўради. Натижа нима бўлади? Натижа шуки кўтарилган «хирмон» яна бир яширин йўллар билан тарқатилади. Ёшлар, ўсмирлар (бундан катталарни ҳам истисно қилиб бўлмайди) билиб, билмай уни истеъмол қиладилар. Улар, уларнинг авлодлари заҳарланади. Миллат, халқ келажаги хавф остида қолади. Ўзини кўриб кўрмаганга олган лоқайд кимса эса оппоққина бўлиб четда тураверади. Гўёки унинг ҳеч алоқаси йўқдек. Аслида у ҳам гиёҳфуруш билан баббаравар жиноятчидир. Қонунчилигимизда жиноятни яширган кимса ҳам жиноятчи ҳисобланади.

— Айнан, ДАН ходимлари амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Биз биринчи навбатда ўзга давлатлардан Ўзбекистонга кириб келаётган гиёҳвандлик моддаларнинг йўлини қирқиш чорасини кўрдик. Шу мақсадда барча чегара ДАН масканларида гиёҳвандлик моддаларни аниқлаш мақсадида хизмат итларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйдик. Шунингдек, «Қора дори — 96» тадбирини юқори савияда ўтказиш мақсадида барча йўл патруль хизмати инспекторларига махсус кўрсатмалар берилди. Керак деб ҳисобланган жойларда улар ҳам хизмат итлари билан таъминландилар. Гиёҳвандлик моддаларни кўпроқ қай вақтда, қай ҳолда ва қай йўллардан олиб ўтилишини чуқур таҳлил қилиб, ишни ҳам ана шунга мослаб режалаштирдик.

— Натижа қандай бўлаяпти?

— Ёмон эмас. Тадбир бошланган 10 май кунининг ўзидаёқ Қашқадарё вилояти Ғузор тумани ДАН ходимлари томонидан Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Жондор Диёров жамоа хўжалигида яшовчи Насрулло Раҳимов бошқарувидаги «ВАЗ-2103» русумли давлат белгиси 31-63 СДЗ автомашинаси тўхтатилиб, текширилганда унинг орқа ўриндиғи остига яширилган 2 кг 075 грамм миқдорида наша топилган. Бу оғуфуруш хусусидаги тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ИИБга топширилган. 18 май куни Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ИИБ ходимлари ва шу туман ИИБ ДАНБ ходимлари томонидан ўтказилган текширув пайтида, Денов автобус саройига қарашли «ДЭУ» русумли давлат белгиси 81-84 СДМ автобуси салонидан 940 грамм гиёҳвандлик модда топилди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тергов органларига топширилди.

Шунингдек, Самарқанд вилояти Челак тумани ҳудудида жойлашган «Лаззат» мунтазам ДАН масканида «ВАЗ-21063» русумли давлат белгиси И 80-06 ДЖ автомобили тўхтатилганда, ҳайдовчи Жиззах вилояти Пахтакор шаҳрида истиқомат қилувчи Дониёр Бобоқулов томонидан 250 грамм миқдорида кўкнори олиб кетилаётгани аниқланди. Бу масалада ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, керакли идораларга топширилди.

Хуллас, яна бундай мисоллардан келтириш мумкин. Чунки айни кунларда барча ДАН ходимлари «Қора дори — 96» тадбирини юқори савияда ўтказиш, гиёҳвандлик ва гиёҳфурушликни ўқ томирига болта уриш мақсадида, бор куч-ғайратларини аямай, кечаю-кундуз фидокорона курашмоқдалар.

Суҳбатдош:
Ислом ҲАМРО.

*Футбол: Европа чемпионати*

## ҒОЛИБЛАРНИ «УЭМБЛИ» КУТАДИ

Ўтган дам олиш кунлари барча спорт мухлисларининг диққат-эътибори «туман ороллари»га қаратилган эди. Аниқроғи, Англиянинг тўрт шаҳри Лондон, Манчестер, Бирменгем, Ливерпуль шаҳарларида футбол бўйича Европа биринчилигининг чорак финал учрашувлари ўтказилди.

22 июнь. Лондон. Англия — Испания. Ушбу ўйин тақдирини на 90 минут, на қўшимча 30 минут аниқламади. Шунда 11 метрли жарима тўпларини тепиш заруряти туғилди. Тўғри, бунга ҳакам ҳам сабабчидир. Кўпдан бери давом этаётган ҳакамлар хатоси муаммоси бу учрашувни ҳам четда қолдирмади. Асосий вақтда мутахассислар томонидан эътироф этилишича, англияликларнинг дарвозасига тўғри йўлланган тўпни ҳакам ўйиндан ташқари ҳолат деб белгилади. 11 метрли тўп тепишда омад Англия терма жамоасига кулиб боқди. Ҳисоб 4:2.

Франция — Голландия учрашувининг тақдири ҳам ана шундай якунланишига ким ишонган эди?! Ушбу учрашувда ҳам ғолибни аниқлашга 120 минут камлик қилди. Зеедорфнинг тўпни 11 метрли нуқтадан дарвозага хато йўллаши голландларга қимматга тушди. Ҳисоб 4:3. Ғалаба францияликлар томонида.

23 июнь куни чорак финалнинг яна икки учрашуви бўлиб ўтди. Бироқ унда бир кун аввалгига нисбатан ўйинлар тақдири асосий вақтда ҳал этилди. Айниқса, Чехия терма жамоасининг нисбатан кучли ҳисобланган португалияликлар устидан ғалаба қозониши катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ғалаба эса, Поборожскийнинг дарвозабонни олдинга чиқишидан фойдаланиб, тўпни унинг устидан дарвозага йўллаши оқибатида чехияликларга насиб этди.

Манчестер. Германия — Хорватия. Футболда ғалабани юлдузлар таъминлайди деб бекорга айтилмайди. Клинсманн, Заммер, Меллер, Шукер, Бобан эса жаҳон футболининг ана шундай ҳақиқий юлдузларидир. Айниқса, хорватиялик Шукернинг майдонда ҳақиқий футбол спектаклининг асосий актёрига айланганлиги ўйинга гўзаллик бахш этди. Бироқ, бир ўйинчи жамоа ғалабасини таъминлаш учун ожиздир. Ушбу учрашувда ҳам худди ана шундай бўлди. Аввалига Клинсманн Хорватия терма жамоаси дарвозабони Лалични 11 метрли жарима нуқтасидан тўп йўллаб, доғда қолдирди. Сўнг Шукернинг юксак даражада рақиб дарвозасига йўллаган тўпига қарши германиялик Заммер хорватияликлар дарвозасини яна бир бор ишғол этди. Ҳисоб 2:1.

Энди ярим финал учрашувларида Лондонда Англия — Германия, Манчестерда Франция — Чехия терма командалари ўзаро куч синашишади. Учрашувлар бугун ва эртага бўлиб ўтади. Қани, қурайлик-чи, машҳур «Уэмбли»да олтин соврин учун финалда қайси жамоалар иштирок этади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 25 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 52,95 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 37,70 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

# БУ ЙЎЛЛАР КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДИР ...КЕЛАЖАККА ЧЎЗИЛГАН ҚЎЛЛАР



**— Темир йўлда қанча юк ташилганига қараб, мамлакат иқтисодиётини билиб олиш мумкин, дейишади. Ҳурматли Нормат Эрматович, Ўзбекистон темир йўлининг бугунги аҳволини қандай баҳолаш мумкин?**

— Чиндан-да темир йўлнинг халқ хўжалиги ривожидаги ўрни алоҳида эътирофга лойиқ. Беҳудага уни тараққиёт индикатори деб таърифлашмайди. Нафақат иқтисодий, балки маданий-маърифий жабҳада ҳам темир йўлнинг аҳамияти беқиёс. Ривожланган мамлакатлар яхлит бир организмга айланган Европа харитасига бир назар солинг, томирчалар каби тармоқ отиб кетган темир йўл белгиларига кўзингиз тушади. Юртбошимиз Ислом Каримов транспорт коммуникацияларини ривожлантириш мамлакат тараққиётининг бирламчи шарти, деб уқтириб келаётганлиги ва бу йўналишда барчамизни улкан режаларни рўёбга чиқаришга руҳлантириб турганлиги ҳам бежиз эмас.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси ҳали ёш, у Ўрта Осиё темир йўли бўлиниб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг жанубий вилоятларидаги темир йўл бўлимлари алоҳидалик мақомини олгач, ташкил қилинган. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 3655 километрдан иборат. Шу жумладан, икки йўлли линиялар узунлиги — 680 км, электрлаштирилган участкалар эса — 450 км. Йўлнинг 1300 километрдан зиёд қисмида марказлашган диспетчерлик воситалари мавжуд бўлиб, барча бекатлар марказлашган электр қурилмалари билан жиҳозланган. Ташиш жараёни Тошкент шаҳрида жойлашган ягона диспетчерлик марказидан бошқарилади. Экспорт ва импорт юкларини ортиш ва тушириш ишлари магистралнинг ўнлаб бекатларда амалга оширилади.

Зикр этилган рақамлар, айтиш мумкинки, сиз юқорида қўйган саволга жавоб беришимизни осонлаштиради. Ўзбекистон темир йўлининг бугунги аҳволи шундайки, мавжуд транспорт воситалари — автомобиль, авиация ва қувурлар орқали ташилаётган юк республикамиз юк оборотининг 10 фоизидан сал кўпроғини ташкил қилади, бошқача қилиб айтганда, умумий юк оборотининг қарийб 90 фоизи темир йўл хизматига тўғри келади. Бундан ташқари, бизнинг хизматимиздан фойдаланган кишиларга яхши маълумки, темир йўл транспорти тарифлари бошқа турдаги транспортларга нисбатан анча паст қилиб белгиланган. Ҳозирги пайтда ташилаётган кўмирнинг 92 фоизи, нефть маҳсулотларининг 85 фоизи, руданинг 79 фоизи, кимёвий ўғитларнинг 99 фоизи темир йўл воситасида манзилларга етказилаётир.

Фаолиятимиз тўғрисидаги тасаввурингизни кенгайтириш учун яна бир-икки рақамга эътиборингизни тортаман. Ўтган 1995 йил бўйича юк ташиш обороти қарийб 17 миллиард тонна километрни, йўловчи ташиш обороти 2,5 миллиард йўловчи-километрни ташкил этди. Бу, компания ҳар куни минглаб тонна халқ хўжалиги юкларини ортиш ва тушириш ишларини бажаради, деганидир.

**— Аммо, маълумки, вақти-вақти билан сувоб-оқлаб турилмаса, кошона ҳам путурдан кетади. Шундай фикрни темир йўл излари ва шу издан юраётган транспорт воситаларига ҳам қўллаш мумкин. Компанияда таъмирлаш ишлари қандай йўлга қўйилган?**

— Темир йўл, бу ҳаёт йўлидир. Худо кўрсатмасин, озгина хатолик ёки бир зумлик лоқайдлик асло кечириб бўлмайдиган фалокатларга олиб келиши мумкин. Излар ҳам худди сизу биз кунда юрадиган асфальт йўлга ўхшайди. Иссиқ-совуқдан, сув тошқини ва ҳар хил кузда тутиб бўлмайдиган табиий ҳодисалар натижасида, қолаверса, ўз умрини ўтаб бўлгач, таъмирлашга муҳтож бўлиб қолади. Шунга кўра ҳозир йўлларни капитал таъмирлаш бўйича ишлар фаол олиб борилмоқда. Бу мақсадлар учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Муҳими, изларни етқизиш учун сув билан ҳаводек зарур бўлган темир-бетон шпалларни ўзимизда ишлаб чиқара бошладик, шу йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқариш ҳажмини 200 минг донагача кўпайтиришни режалаштирганмиз. Тошкентда йўловчи ташувчи ҳаракатдаги составни капитал таъмирлаш цехи қурилиши тугалланмоқда, бу ерда бир вақтда бир неча ўн вагонга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон бекатида электровозларни капитал таъмирлаш имконини берувчи кенг кўламли иншоотлар мажмуи ишга туширилади. Юк ташувчи ҳаракатдаги составни капитал таъмирлашга ихтисослашган Пахтаобод бекатидаги таъмирлаш-механика заводининг қуввати магистралларимиз эҳтиёжидан икки марта ортиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Кўраётган чораларимиз натижасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларга тегишли яроқсиз вагонлар сонини амалда нолга туширишга, яроқсиз ҳолга келиб қолган вагонларнинг умумий сонини эса деярли икки мартага қисқартиришга эришдик.

**— Яқин икки-уч йил ичида ички йўналишларда ҳам жонланиш сезилди. Ҳам Жанубга, ҳам Ғарбга томон қатор темир йўл излари ётқизилди. Муштарийларимиз, айни вақтда улар сизнинг йўловчиларингиз, шу ҳақда ҳам батафсил маълумот олсак, дейдилар.**

— Тегирмон навбати билан, деган нақл бор халқимизда. Бинобарин, биз нафақат бугуннинг, балки эртанинг ташвиш-қувончлари билан ҳам яшамоқдамиз. Чунки мустақилликка эришганимиздан кейин талаб-эҳтиёжларимизни давр нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Мавжуд йўлларнинг ўзи кифоя қилмай қолди. Уларни таъмирлаш билан бир пайтда янги йўналишлар бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди. Ҳозир темир йўл транспортини қайта тиклаш ва такомиллаштириш мажмуини ҳаётга тадбиқ этишга киришдик. Асосий йўллар электрлаштирилаётир. Шу билан бирга Тошкентдан Самарқандгача ва бундан буёғи Бухоро орқали Туркманистон Республикаси чегарасига қадарлик участкада, шунингдек, Тошкентдан Қўқонгача бўлган иккинчи йўл қурилиши давом этмоқда; Учқудуқ — Нукус янги темир йўл линияси бўйича бошланган ишлар ҳақида матбуотда ҳам кўпдан-кўп хабар-лавҳалар берилди. Айни вақтда ушбу йўналишда, яъни Навоийдан Учқудуққача ва Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон йўлларини таъмирлаш жадал суръатларда олиб борилмоқда; магистралнинг деярли барча участкаларида йўлнинг юқори қисмини темир-бетон шпаллари ва кўчма брусларга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги линиялар қурилиши ва магистралларни электрлаштириш давлат аҳамиятига молик мақсадли дастур, деб эълон қилинган бўлиб, ўтган йили умумий узунлиги 130 км бўлган Ховос-Жиззах йўналишида электрлаштирилган участка фойдаланишга топширилган эди, бу йил ҳам Жиззахдан Самарқанд орқали Мароқандгача бўлган 130 км узунликдаги яна бир электрлаштирилган участкани ишга тушириш ниятимиз бор.

Умумий узунлиги 342 км бўлган Учқудуқ-Нукус янги линияси фойдали қазилмаларнинг катта захирасига эга бўлган минтақа бўйлаб ўтади. Ғузор—Қумқўрғон иккинчи янги линиясининг узунлиги эса 124 километрдан иборат. Мазкур линия ҳам бой фойдали қазилмалар — кўмир, полиметалл рудалар, юқори сифатли мармар ва гранит конлари бўлган жойлардан ўтганлиги учун сарф-харажатлар қисқа муддатларда қопланишига шубҳа йўқ. Янги линияларнинг ишга туширилиши ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди. Биринчидан, мамлакатимиз темир йўллари ягона тармоғини яратишдек муҳим муаммо ҳал қилинса, иккинчидан, эътибордан четда қолган ҳудудларда замонавий тоғ-кон ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга имкон беради, учинчидан, поездларнинг манзилга қисқа йўл билан етиб олишини таъминлайди, муҳими, маҳаллий аҳолининг иш ўрнига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

**— Манзилга етиб олишни хизмат маданиятисиз тасаввур этиш қийин. Аммо бу ҳақда ўйлаганда, ўша-ўша чипта муаммосию, ўша-ўша йўлбегиларининг эътиборсизлиги ва яна бир талай асабга тегадиган жиҳатлар ёдимизга тушади. Буларни тузатмай туриб, йўловчиларнинг миннатдорчилигини эшитишга умид боғлаб бўлмайди, албатта. Аҳвол қачон яхшиланади? Яқин орада яхшиланадими?**



*«Гуллаётган диёр» танловига*

## ЭҲТИЁЖ. ЭЪТИБОР. ЭЪТИРОФ.

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси раиси Нормат ЭРМАТОВ билан мулоқот**

— Сиз бу саволингиз билан бизнинг оғриқ нуқтамизга тегиниб кетдингиз. Чиндан ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатига қараб умуман магистрал иши баҳоланади. Йўловчиларнинг темирйўлчилар меҳнати тўғрисидаги мулоҳазалари ҳар қанча аччиқ бўлмасин, адолатли ҳамдир. Камчилик-нуқсонларимизни инкор этишга асло ҳаққимиз йўқ. Улар бор. Хусусан ўтган йили поездларда қониқарсиз хизмат кўрсатилгани тўғрисида йўловчилардан бир неча ариза ва шикоят олган эдик, бу йил улар анча камайган. Таҳлиллар асосан йўловчилар Самарқанд — Москва ва Андижон — Москва поездларидаги хизмат сифатидан норози эканликларини кўрсатди.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, кейинги йилларда мавжуд вагон паркимиз ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскириб қолган бўлиб, уларни талаб даражасида сақлаб туриш учун анча куч сарфлашимизга тўғри келаётир, афсуски, шу ва яна бир қанча сабабларга кўра ҳамма вақт ҳам йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаяпти.

Бироқ, яқин келажакда мазкур аҳвол ижобий томонга тубдан ўзгаради. Тез орада пойтахтимизнинг Сирғали туманида жаҳон андозаларига мос келадиган темир йўл вагонларини таъмирлаш бўйича замонавий завод қурилиши бошланади. Бу ишда Япония бизга ўз кредити билан ёрдамга келди. Шу тариқа Ўзбекистонда халқ хўжалигининг яна бир янги тармоғи — вагонсозлик учун замин яратилди.

Шу билан бирга, бизда бирорта шикоят эътиборсиз қолдирилмайди. Фақат шу йилнинг биринчи чорагида йўлбеги ва бригадирлардан 326 нафарига жарима солинди, жумладан, 135 кишининг лавозими пасайтирилди. 178 ходимга хайфсан эълон қилинди, 31 киши ишдан бўшатилди. Биз бу йўналишда бундан буён ҳам фаол ишлаш ниятидамиз. Чунки биз йўловчилар учун ишлаймиз, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш бизнинг вазифамиз. Зеро, йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш сиёсати ҳаётимиз мазмунига айланиб қолган, десам муболаға бўлмайди. Ишончим комилки, бугун биз тилга олган нуқсонлар вақтинчалик ҳол, аҳволни яхши томонга ўзгартиришга кучимиз ҳам, хоҳиш-иродамиз ҳам етарли, деб ўйлайман.

**— Бевосита денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатлар қўшни — денгиз ёқасида жойлашган давлат орқали хоҳ темир йўл, хоҳ автомобиль йўли қуришга ҳақлидир. Бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус қарори бор. Ўзбекистон эса бу жиҳатдан жуда ноқулай шароитда, яъни мамлакатимиз денгизга чиқиш учун бир эмас, икки мамлакат ҳудудидан ўтиши керак. Бу жиҳатдан Ўзбекистон дунёда ягонадир. Ўзига хос бу ҳолатдан қутилиш «шарт»лари ишлаб чиқилганми?**

— Қўйган саволингизга ушбу масалага бевосита алоқадор бўлган ҳукуматлар доирасида тузилган битим ёки шартномаларгина жавоб бўлиши мумкин. Ўзбекистон ҳукумати ҳаётий заруратни тусини олган ана шу муаммони тезроқ ечиш учун тинимсиз, айтиш мумкинки, мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилган дақиқалардан бошлаб ҳаракат қилиб келаётир. Бунёдкорлик ишлари эса, маълумки, тинчлик-осойишталикни тақозо этади. Ички ҳамжиҳатликка эришган давлатимиз раҳбарияти, шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг минтақада тинчлик ўрнатиш, қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги мухолиф кучларни муросага келтириш учун жонбозлик кўрсатиб келаётгани, ҳатто бу ҳақда БМТ минбаридан туриб қатор таклифлар билан чиққанлиги бежиз эмас. Қўшнинг тинч — сен тинч, деб беҳуда айтмайдилар. Агар номлари зикр этилган давлатларда осойишталик ҳукм сурганида эди, Ўзбекистоннинг жаҳон сув йўлларига чиқиши осонлашган ва анча арзонлашган бўлур эди.





Бундан ташқари яна кўплаб лойиҳалар ишлаб қўйилганки, яқинда юз берган, ҳали ҳарорати қалбларимиздан учиб улгурмаган оламшумул воқеа бу йўлда қилинаётган ҳаракатлар зое кетмаслигидан далолат бермоқда.

Маълумки, 1991 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиё давлатларининг Ашгабад учрашувида Тажан—Сарахс темир йўлини биргаликда қуриш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ниҳоят, биз бу ажойиб тантананинг гувоҳи бўлдик. Туркманистон ва Эрон темир йўллари Сарахс шаҳрида бир-бири билан туташди. Форс кўрфазига ва шу кўрфаз орқали Ҳинд океанига чиқиш ҳақидаги асрий орзулар ушалди!

Ҳадемай халқаро Сарахс бекати исталган миқдордаги юкни жўнатадиган бўлади. Ғарбий ва Шарқий Осиё ўртасида юк ва йўловчи ташиш муддатлари беш кунга, Ғарбий Европадан Шарқий Осиёга 10 кунга қисқаради. Бу ҳол эса, ўз-ўзидан тушунарлики, йўл харажатларини кескин камайтириш имконини беради. Не бахтки, қадимий карвон йўлларининг янгидан очилиши, деб баҳолаш мумкин бўлган бу йўл қурилишида ўзбекистонлик йўлсозлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Режалар эса янада улкан. Туркманистоннинг Сарахс шаҳри вокзали биносида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида шартнома ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо юртбошимизнинг Кавказортига қилган расмий сафарига ҳамоҳанг равишда Ўзбекистондан йўл олган пахта толаси ортилган дастлабки карвон Каспий денгизи оша Боку орқали Қора денгиз соҳилларига, яъни Поти шаҳри бандаргоҳига тантанали равишда кириб борди. Анъанавий йўл билан қиёслаганда юк ташиш харажатлари ҳам, масофа ҳам қарийб икки баравар қисқарди.

Шу муносабат билан ушбу маълумотга эътиборингизни қаратаман: Одесса бандаргоҳигача бўлган масофа 4200 километрдан зиёд, Новороссийскқача — 3710 ва Ильичевскқача бўлган масофа 4265 километрни ташкил қилгани ҳолда, Потигача бўлган масофа 2770 километрдан иборат холос. Бу, биринчидан, юкларни 12-13 кун ўрнига саккиз кунда Қора денгизга етказишни таъминласа, иккинчидан, Сарахсда тўрт мамлакат раҳбарлари имзолаган битимга кўра Ўзбекистон — Туркманистон — Озарбайжон — Грузия йўлагидан юк ташилганлиги учун олинадиган ҳақ 50 фоизга чегириб ташланишини назарда тутадиган бўлсак, яна қанчадан-қанча маблағ тежалади дегани ҳамдир.

**— Туркманистон ва Эрон темир йўлларининг туташиши, бунинг оқибатида Форс кўрфазига, бундан буёғи Туркия орқали Европага чиқиш имконияти барчамизни беҳад тўлқинлантириб юборди, десам янглишмайман. Одамлар сабрсизлик билан бу йўналишлар хизматидан фойдаланиш бошланадиган кунларни кутишаётир. Уларга бу ҳақда нималар дейишингиз мумкин?**

— Бунга ҳеч қанча вақт қолмади. Ҳадемай, тўғрироғи, шу йилнинг ўзида Хитой ва Эрон орасида қатнайдиган йўловчи поездини Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон темир йўллари бўйлаб ҳам қатнашини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ушбу линияни лойиҳалаштириш чоғида бу йўлдан Тошкент — Теҳрон, Ашгабад — Теҳрон ва Пекин — Истанбул тезкор поездлари, шунингдек, Туркманистон ва Эрон ўртасида маҳаллий поездлар қатновини ташкил қилиш кўзда тутилган. Қулай жуғрофий шароит ва магистрал бўйлаб юк тушириш-ортиш, шунингдек йўловчи қабул қилиб- кузатиб қўйиш захираларининг етарли эканлиги ташқи иқтисодий алоқаларни ва транзит ҳаракатни йўлга қўйиш, энг аввало Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан узлуксиз ҳаракатни таъминлаш имконини беради. Кейин, марҳамат, хоҳланг Пекинга, хоҳланг Истанбулга чипта олинг-да, жомодонингизни кўтариб поездга чиқаверинг: биз хизматларингизга тайёрмиз!

**— Эшитишимизча «Жюль Верн» деб номланган дастурга кўра Ғарбий Европадан чиққан поезд Туркия, Кавказ, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон орқали Япон денгизига қадар етиб боради. Марказий Осиё мамлакатларининг манфаатлари ўз-ўзидан тушунарли. Ғарбий Европа мамлакатлари-чи, уларнинг манфаатлари нималарда ўз аксини топади? Улар ҳам бу дастурга маблағ билан ҳисса қўшишганми?**

— Дастур, айтиш мумкинки, Эрон билан Марказий Осиё давлатларини боғлаган янги темир йўл линияси негизида туғилган бўлиб, яқин ва узоқ келажакни ўзида мужассамлаштиргандир. Юқорида қайд этиб ўтилганидан маълумки, Тошкент — Теҳрон, Пекин — Истанбул каби йўналишлар бўйлаб фаол ҳаракат европалик тижоратчи ва ишбилармонларнинг, шунчаки жаҳонгашта саёҳатчиларнинг моддий ва маърифий қизиқишларини қондириш учун ҳам хизмат қилиши табиий, албатта. Халқаро сайёҳлик ташкилотлари ҳам ушбу йўлга катта қизиқиш билан қараётирлар. Дейлик, Ғарбий Европанинг қайсидир шаҳридан чиққан йўловчи Хитойга етиб олгунга қадар йўл-йўлакай шу пайтгача кўпчилик назаридан холи бўлган тарихий обидалар ва бугунги ҳаёт тарзи билан яқиндан танишиб, қадимий «Буюк ипак йўли» бўйлаб ўзига хос сафар қилса ёмонми?

Сарф-харажат масаласида эса шуни айтишим лозимки, бу йўл энг аввало биз — Марказий Осиё давлатларига зарур эди, шу боис қурилишни маблағ билан ҳам мазкур давлатларнинг ўзлари таъминладилар. Чунончи, Ўзбекистон томони янги линия қурилиши юзасидан олган мажбуриятларига риоя қилган ҳолда шпал, рельс, рельсни қотириш учун зарур бўлган элементлар, йўл ётқизиш кранлари, махсус кўчма состав, автотрактор техникаси ва ҳоказолардан иборат моддий-техник ресурсларни юбориб турди. Ушбу аср қурилишида юртдошларимиз ҳам бошқалар билан қўлни қўлга бериб ишлашганини эса, юқорида гапириб ўтдим.

**— Саргузашт истасанг поездга чиқ, дейишади. Ғалати воқеалар юз беради йўлда. Янги-янги танишлар орттирасиз. Хуллас, манзилга етиб олгунча не-не ғаройиботларга дуч келасиз.**

— Албатта, ҳуқуқий тартибни сақлаш масалаларида транспорт милицияси олдида давр талабига мос равишда тубдан янгиланишдек катта вазифалар турибди. Биз ҳам ўз навбатида бунинг учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Темир йўлдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича милиция ходимлари билан баҳамжиҳат ишламоқдамиз. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда, албатта. Шу ўринда компаниямиз ходимлари бутун 1995 йил давомида йўлга чиққан юкларнинг бус-бутунлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ишлаганларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бундан ташқари, «Юк», «Ҳосил», «Тозалаш», «ГСМ» деб ном олган тадбирлар комплекси, компания раҳбариятининг жойларга чиқиб профилактик ишларни амалга оширганлиги ҳам ўз самарасини берди. Аммо бу биз энди хотиржам бўлишимиз мумкин, деган гап эмас.

Йўл, барибир йўл-да. Унда кутилмаган воқеа-ҳодисалар юз бериши эҳтимолдан узоқ эмас. Жиноятчилик эса жиноятчи ўз кирдикори учун тегишли жазо олмаган жойлардагина авж олиши мумкин. Бундан ташқари, бизга яна шу нарса маълумки, мижозларимизнинг ортиши, бу тартиб-интизомнинг қай даражада ўрнатилганлиги билан ҳам бевосита боғлиқ. Бинобарин, транспорт посбонларининг яхши ишлашидан нафақат йўловчилар, компаниямиз ҳам манфаатдордир. Биз бу манфаатни бой бериб қўймасликка бундан буён ҳам ҳаракат қилаверамиз.

**— Ҳамма нарса, барибир охир-оқибатда кадрлар масаласига бориб тақалади. Шунингдек, модомики, бундан буён халқаро йўналишлар бўйлаб ҳаракатлар йўлга қўйиладиган бўлгандан кейин муаммолар ҳам кўпаяди. Бу муаммоларни қай йўсинда ҳал этмоқчисизлар?**

— «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси жуда катта даргоҳ. Кадрлар сиёсати ҳам шунга яраша; тинимсиз равишда малака ошириш ҳақида қайғурмасангиз бўлмайди. Чунончи, ўтган йили магистралимизнинг раҳбар ва мутахассисларидан 482 киши Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида ўз малакасини оширди. Шунингдек, биз ўз мутахассисларимизни тажриба орттириш учун Россия, Германия, Буюк Британия корхоналарига юбормоқдамиз, бир гуруҳ ходимларимиз эса Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида малака ошириб қайтдилар.

Ҳозирги пайтда темир йўлларимизда 50 дан зиёд миллат ва элат вакиллари меҳнат қилмоқда. Уларнинг маърифий эҳтиёжини қондириш учун Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтидан ташқари учта техникум, темир йўл техник мактаби, умумтаълим мактаблари, болалар темир йўли каби кенг тармоқли ўз ўқув юртларимизга эгамиз. Биз ўқувчиларда ўсмирлик йилларидан темир йўл транспортига қизиқиш уйғотиш, темирйўлчи деган касбдан фахрланиш туйғусини сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Магистралнинг олий ва ўрта махсус маълумот олган мутахассисларга бўлган талабини қондириш мақсадида ҳамда ўтган йилларда орттирган тажрибаларимиз ва дуч келган муаммоларимиз таҳлили асосида 2000 йилгача кадрларга бўлган эҳтиёжимиз истиқбол режаларини ишлаб чиқдик. Бунда республикамиздаги барча вилоятларнинг мазкур масаладаги эҳтиёжлари ҳам айри ҳолда эътиборга олинди, албатта.

Бугун биз бозор муносабатларига фаол кириб бораётирмиз, айтиш мумкинки, амалда бозор шароитида ишламоқдамиз. Бу янги, ҳозирча одат тусига кирмаган шароитда ишлаб кета оладиган одамларни тайёрлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозир биз ёш, ташаббускор, амалий ишда ўзини яхши томондан кўрсата олган кишиларни раҳбарлик лавозимларига қўймоқдамиз. Бу ходимларнинг ўртача ёши 40 ёшдан ошмайди. Улар мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшажакларига ишонаман.

**— Йил-йилни қувалаб, яна бир неча йилдан сўнг янги асрга қадам қўямиз. Биз бу тарихий санага катта умидлар билан бораётирмиз. Аср бошида мамлакатимиз темир йўлини қандай тасаввур этасиз? Мамлакат келажагиничи?**

— 2000 йил нафақат аср боши, балки учинчи минг йилликнинг бошланиши йили ҳамдир. Менинг назаримда янги аср инсоният тарихида тубдан бурилиш асри бўлади, маданий-маърифий муносабатларнинг муҳимлашув асри бўлади. Бевосита ўз соҳам — темир йўл тўғрисида гапирадиган бўлсам, мен уни тахминан шундай тасаввур қиламан: аср бошида Ченгелдидан Бухоро ва Қаршигача бўлган магистрал бошдан охиригача электрлаштирилиб, оширилган оғирликдаги поездларни янги замонавий электровозлар тортиб боради, бу нафақат қимматбаҳо дизель ёқилғисини иқтисод қилади, шу билан бирга эксплуатация харажатларини ҳам кескин камайтиради, бундан ташқари экологик ҳолатни ҳам яхшилайди; Ғузор — Қизил Октябрь ва Навоий — Нукус янги линиялари қурилиши поёнига етказилади. Тошкентдан Қўқонгача бўлган йўлни икки бараварга қисқартириш имконини берувчи Ангрендан Фарғона водийси томон йўналишда қурилаётган янги линия ҳам тугалланади. Ушбу янги линияларнинг ишга туширилиши Ўзбекистон Республикасига ягона, қўшни давлатлардан ҳоли бўлган темир йўл тармоғига эга бўлиш имконини беради. Юк ташиш ҳажми компаниянинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўла таъминлашига имкон берадиган даражага етади; магистрал бозор шароитида барқарор ишлашга ўтади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз таърифида мутлақо ҳақдир. Башоратомуз бу сўзлар қуруқ иштиёққагина асосланган эмас. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иқтисодни тубдан ислоҳ қилиш изчил олиб борилмоқда. Кейинги беш йил мобайнида республикада ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришилди, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати барпо этилди, автомобилсозлик йўлга қўйилди. Ўзбекистон танлаган тараққиёт модели иқтисодиёт ва жамиятда барқарорликни таъминлаш имконини берди. Кўпгина Ғарб иқтисодчиларининг фикрига қараганда, Ўзбекистон истиқболли давлатлар сирасига киради, яқин келажакда жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Давлат ва жамиятни ислоҳ қилишнинг Президентимиз томонидан олға сурилган бешта тамойили танланган сиёсат тўғри эканлигини яна бир марта исботламоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг келажакда гуллаб-яшнашига қатъиян ишонаман, чунки бунинг учун бизда барча шароитлар етарлидир. Ва мен шунинг учун фахрланаманки, умумий муваффақиятда темирйўлчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу ҳисса йил сайин салмоқли бўлиб бораверади.

**Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.**









